

Мактабларда ўқувчилар онгига “Экология ва барқарор тараққиёт масалалари” га доир тушунчаларни сингдириш.

ТШХТХҚТМОИ “Табиий ва амалий фанлар” кафедраси ўқитувчиси Н.М.Алимова

Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш, англаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

И.А. Каримов

Табиат – бу ажодлардан қолган мерос эмас, балки авлодлардан қарзга олинган бойликдир .

Барқарор ривожланиш концепциясидан.

Дунё, ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси ўзаро боғланган ва ажралмасдир.

Барқарор ривожланиш қондаси

XX аср охири XXI аср бошларига келиб табиат билан инсоният ўртасидаги муносабатлар дарз кета бошлади. Асримиз бошларига келиб бутун инсоният кўплаб экологик хавф хатарга дуч келди (сув танқислиги ва уни ифлосланиши, ҳаво ҳароратининг ортиши, иссиқхона самарадорлигини ҳосил бўлиши, озон қатламининг емирилиши, тупроқнинг унумдор қатламини емирилиши ва шўрланиши, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, ўрмонлар майдонининг қисқариши, Орол денгизи майдонининг қисқариши ва хоқозо) ва шу сабабли экологик муаммо асримизнинг энг кескин , ўта долзарб, бутун инсониятни ташвишга солаётган хавфли муаммолардан ҳисобланади. Афсуски бу муаммо келтираётган салбий оқибатлари бўйича ядро ҳалокатларидан қолишмайди.

Инсон фаолияти натижасида XX аср охири XXI аср бошларига келиб инсон билан биосфера орасидаги мувозанат бузилиб, оқибатда Ер шарида ўта хавфли глобал экологик муаммолар пайдо бўлди.

Инсон фаолияти экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашиши ҳамда атроф муҳитнинг радиоактив ва кимёвий чиқиндилар билан буғланишига , бу эса ўз навбатида аҳоли, чорва моллари, парранда, ўсимликлар дунёси, дарё, кўл, сув хавзаси жонзотлари ҳамда бошқа жониворларнинг захарланишига сабаб бўлмоқда.

22 май БМТ тамонидан “Халқаро хилма хиллик” куни деб эълон қилинган. Лекин шунга қарамай ҳар соатда Ер юзидан бир тур хайвон ва бир тур ўсимлик тури йўқолиб кетмоқда. Бу дегани бир кеча-кундузда 24 турдаги ўсимлик ва шунча жонзот она замин билан мангу видолашмоқда.

Сайёрада мураккаблашиб келаётган экологик вазият, бутун инсоният олдида табиат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захиралардан тежаб-тергаб, эҳтиёткорлик билан фойдаланишни долзарб муаммога айлантирди. Бу муаммоларнинг олдини олиши ва уларнинг келтириб чиқарувчи факторларни аниқлаб уларни ўз вақтида бартараф қилиш цивилизацияни ҳалокатдан сақлаб қолиш мумкин.

“Бугунги кунда сиёсатчиларнинг жуда оз қисми туғилишини назорат қилиш гоёсини ва ундан-да озроғи истеъмол даражасини пасайтириш фикрини қўллаб-қувватлашга тайёрдирлар”.

“Технологияларнинг экологик самарадорлиги”, барча кўринишларида, (атроф-муҳитга салбий таъсирни пасайтириш борасида) қисқа ва ўрта муддатли сиёсий ўйин сифатидагина тасаввур қилинади. Буни педагоглар ҳам тушуниб етишлари зарур”.

Кен Вебстер

Шуни таъкидлаш жоизки, биосферанинг бузилиши лоқайд инсонлар фаолиятининг натижаси эмас. Бу кўпроқ бакалавр, бизнес бошқаруви магистри ҳамда фан доктори унвонига эга инсонларнинг фаолияти маҳсулидир.

Профессор Дэвид Орт

Барқарорликка эришиш охир-оқибатда хулқ-атвор ва ҳаёт тарзидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Бу –сингиб кетган маданий ва хулқ-атвор қоидалари ҳамда кадриятлар ўзгариши учун асос талаб қилувчи ўзгаришдир. Бундай ўзгаришларсиз энг маърифатли қонунчилик ҳам, замонавий технологиялар ҳам, анча нозик тадқиқот ҳам узоқ муддатли барқарорликка томон ҳаракат қилаётган жамиятни бошқаришда муваффақиятга олиб келмайди.

Бошқача айтганда: барқарор рикожланиш – ўрганиш жараёни, унинг ёрдамида биз (агар хоҳласак) “экологик” барқарор яшаш қобилиятини шакллантиришимиз мумкин.

Мазкур таълимни “педагог томонидан ташкил этилган ўқитиш” деб қараш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг иккита сабаби бор: биринчидан, биз ўзимиз учун зарур бўладиган кўпгина билимларни мактаб, коллеж ва университет доирасидан ташқарида олаемиз. Бу биз ўз ҳаётий тажрибамизнинг аксарият қисмини эгаллайдиган бошқа соҳалардаги, ижтимоий институтлар ва жамиятлардаги таълимдир.

Барқарор ривожланиш – динамик жараён. У барча инсонларга Ердаги ҳаётни таъминловчи тизимларни ҳимоя қилувчи ва кучайтирувчи усуллар ёрдамида ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда турмуш даражасини яхшилаш имкониятини яратади.

(Forum for the Future)

БРТ ўзаро боғлиқ экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ўз ичига олиб, кенг ва турли фикрларга бой концепция сифатида шаклланиб бормоқда. У тараққиёт масалаларига қаратилган экологик таълим (ЭТ) концепциясини кенгайтормоқда. БРТ тараққиёт муаммолари бўйича таълимни ва унинг бошқа элементларини ҳам қамраб олмақда. Шунинг учун экологик таълимни БРТ га комплекс ёндашув асосида нада ривожлантириш ва тўлдириш лозим.

Барқарор ривожланишнинг асосий мавзулари куйидагилардир: қашшоқлик кўламини қисқартириш, фуқаролик, дунё, ахлоқ масалалари, маҳаллий ва глобал маънода жавобгарлик, демократик ва бошқарув, адолат, хавфсизлик, инсон ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, жинслар тенг ҳуқуқчилиги, маданий ранг-баранглик, қишлоқ ва шаҳар ҳудудларини ривожлантириш, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва истеъмол тузилмалари, умумий масъулият, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий захираларни бошқариш ва биологик ҳамда ландшафтлар хилма-хиллиги. Бундай турли мавзуларни БРТ доирасида кўриб чиқиш учун яхлит ёндашув талаб этилади.

БРТ асосий эътиборни билимни таъминлашдан муаммони кўриб чиқиш ва мумкин бўлган ечимларни қидиришга кўчиришни талаб этади. Шундай қилиб, таълимда алоҳида фанларни ўқитиш каби анъанавий йўналишни сақлаб қолиш ва айни вақтда ҳар томонлама ҳамда турли фанлар нуқтаи назаридан реал ҳаётий вазиятларни таҳлил қилишга имконият яратиб бериш керак. Бунинг барчаси ўқув дастурлари ва ўқитиш усулларига таъсир қилиши ҳамда ўқитувчилардан етказиб берувчилик ва ўқувчилардан қабул қилиб

олувчилик роллардан воз кечишларини талаб қилиши мумкин. бунинг ўрнига улар ҳамкорликда ишлашлари зарур бўлади.

Барча педагог ва таълим соҳасида иш юритаётган мутахасислар ҳозирги кунда глобал ҳисобланган экологик барқарор ривожланиш таълимини ҳар бир фан, ҳар бир мавзу билан боғлаш орқали ўқувчилар онгини шакиллантириб ҳозирги кунда юзага келган экологик вазиятни яхшилинишига муносиб ҳисса қўшган бўлар эдилар. Бу борада миллий таълим соҳасида етишмаётган қуйидаги масалалар ечимини топишга қаратилиши керак:

1. Дунёнинг бир қатор мамлакатларида тан олинган янги барқарор ривожланиш таълими билан яқиндан танишиш;
2. Экологик таълим барқарор ривожланиш таълимининг бир қисми эканлигини англаб етиш;
3. Таълимга ноанъанавий равишда ёндашиш асосида барқарор ривожланиш таълимини ўзлаштириш
4. Таълим ва тарбияда янгича дунёқарашларни ўзлаштириб олиш.

Барқарор ривожланиш нималигини тушуниш учун, дунёни нима “беқарор” ҳолатга олиб келишини аниқлаб олоқ зарур. Бир қарашда бу аниқ-равшан масалага ўхшайди, аслида эса таълим тизимида дунёнинг ҳозирги “беқарорлик” ҳолати сабабларини ўқувчилар тушунишига ёрдам берувчи жиҳатларга етарли даражада эътибор берилмаётганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб Ер юзини ҳалоқатга олиб келаётган экологик муаммоларни бартараф этиш мақсадида малака ошириш институти тингловчилари билан улар мактаб ўқувчиларига дарсларда таклиф этишлари мумкин бўлган айрим мавзулар таҳлил қилиб борилмоқда.

Барқарор ривожланиш ғояси фақат табиат билан боғлиқ эмас. Бунда итимоий шароит, сиёсат ва иқтисодиёт ҳам катта аҳамиятга эга. Сўнгги ўн йилликда кўплаб мамлакатларда аҳоли даромади ўсгани ҳолда, дунёда миллий ва минтақавий даражада тенгсизлик орта борди.

Тенгсизлик билан бирга қашшоқлик, саломатлик ва тинчлик муаммолари ҳам кескинлашмоқда. Ривожланган мамлакатларда даромад даражасини ўсиши билан бирга жиноятчилик, гиёҳвандлик, рухий касалликлар ҳамда “фаравонлик касалликлари” деб номланувчи семириш ва юрак хасталиклари ҳам кенг тарқалиб бормоқда.

Захиралар, яъни хом ашё ва энергия қайта тикланишига нисбатан тезроқсар фланмоқда. Бу захираларнинг айримлари умуман қайта тиклаб бўлмайди. Захираларнинг асосий қисми энг бой мамлакатлар тамонидан ишлатилар экан улар чиқараётган чиқиндилар миқдори бутун инсониятнинг ҳаёти боғлиқ бўлган биосферага таҳдид солмоқда. Иқлимнинг глобал ўзгаришига сабаб бўлувчи атмосферадаги карбонат ангедрид газ миқдорининг тобора ортиб бориши энг катта муаммолардан биридир.

Атмосфера ҳавосиз инсон 3 дақиқадан ортиқ яшай олмайди. Бир сутка давомида инсон 24 кг. ҳавони ўзлаштиради. Ҳозирги вақтда ҳаво қатламидаги жуда зарарли чиқиндиларни ҳисобга олганда биз ҳаётимизга катта ҳавф солаётган ҳаводан нафас олишга мажбурмиз.

Бу муаммо шахар чети ёки шахар ичи яшаш жойлари учун барабар таъсир этмоқда. Ҳаётимизни асосий қисмини табиий шамоллатиш имконияти бўлмаган жойларда ўтқазганимиз сабабли, биз уни нафас олиш аъзоларимиз билан тозалашга мажбурмиз, чунки ифлосланиш процесси доимийдир. Натижада инсон организмни тез тўзатиб уни барвақт турли касалларга йўлиқтиради. Аждодлари анча кексайгандаги

касалликлар хозирги ёшларни 30 , 40 ёшларда қуршаб олмақда(инфаркт, инсулт, миокард, артрид), сурункали ўпка касалликлари эса болалик чоғларидан бошланмоқда.

Хавони тозалаш учун шахар ва кишлоқларни ободонлаштириш, дарахт ва гулларни авайлаш, уларни парваришлаш керак.

Атроф мухитни маиший чиқиндилар билан ифлослантирмаслик жуда мухимдир. Ахлат ва чангларни тозалаб туриш керак.

Уйғониш давридан бошлаб фан оламининг тузилиши сирларини оча бошлади. Дунё инсон эhtiёжларини қондирувчи ёввойи, хиссиз, мавхум манба бўлиб қолди. Инсоннинг янги ва мукамал технологиялар хисобига юксалиши уни гангитиб қўйди.

Саноат корхоналари тамонидан инсон эhtiёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг хаммаси хам хаётий зарур бўлмай, кўпинча улар дуч келган хом ашёларда ишланади , уларнинг катта қисми фойдаланиб бўлингандан кейин қайтадан ишлатиб бўлмайди.

Хазирга кунда ишлачиқарилаётган махсулотларнинг катта қисми мўлжалланганидан камроқ хизмат кўрсатади, айримлари инсон хаёти учун мухим бўлмаган жихозлар, айримлари эса хеч қачон бозормахсулотдарига айланмаган. Бу дегани жуда кўп кераксиз, сифатсиз махсулотларнинг ишлаб чиқилиши атмосфера хавосига катта хажмдаги захарли хавони чиқишига, натижада кўпгина кассалликларни сабабчиси бўлган диоксин гази миқдорини ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Диоксин дунёдаги энг захарли бирикмалардан бири бўлиб унинг айримлари циали калийдан 67 000 матротаба захарлироқ. У:

- пластмассанинг хамма турлари
- саноат қоғозлари,
- суний тола, ўғитлар
- песцецидлар,
- сунъий тери,
- ленолиум
- қадоклаш идишлари

хамда шунга ўхшаша замонавий махсулотлар ишлиб чиқариш жараёнида хавога ажралади.

Автомобиль хар бир км. юрганда ўзидан 500 пг. захарди диоксин моддасини ажратади. Аксарият диоксин моддасини ахлатни қайта ишлаш, уни ёқиш заволари, хамда хўжалик ва маиший чиқиндиларни ёқиш печлари , ахлат уюмлари ажратади. Афсуски бу модданинг яшаш муддати узок. Организмга тушгач у ерда узок ушланиб қолади. Унинг табиати охиригача ўрганилмаган. Тахмин қилинишича у рак хужайраларини ривожланишида катализатор бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари у наслга таъсир қилувчи мутаген хусусиятга хам эга. Уни организмга тушишини олдини олиш мумкин. Диоксин ёғ қатламларда тўпланади.

Экологик муаммоларни хал этишда қуйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

- экологик таълимнинг умуминсоний ахамиятга мансуб бўлган глобал таълим сифатида тан олиш;
- узлуксиз экологик таълим тизимини яратиш (оила, боғча, бошланғич таълим, умумий ўрта таълим, касб-хунар коллежи, академик лицей, олий таълим, ПКҚТМОИ);
- инсоният билиши зарур бўлган экологик билимлар мазмуни ва ҳажминини аниқлаб, уни интерфаол усуллар асосида ўтиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- узлуксиз экологик таълим мазмунини интегратив усуллар асосида ўқитиш имкониятларини аниқлаш;
- экологик таълимни хал этишда унинг тарихийлиги, миллийлиги, маҳаллийлиги, худудийлиги ва глобаллашувини инобатга олиш.

И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” номли асарида экологияга оид қуйидаги ғоялар ўз аксини топган: “Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш инсон маънавиятига озик беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданиятини ва вазифаларини чуқур билиш ва тушунтириб етишга суянадиган кудратли кучга айланди”.

Ҳар бир минтақанинг ўзида ҳам хавфли экологик муаммолар пайдо бўлди, жумладан Ўзбекистонда Орол муаммоси, хаво ҳароратининг ошиши, ернинг шўрланиши, Қизилқум ва Қорақум саҳроларида содир бўладиган бўронлар, қоркўчкиси, сел келиши, сурилмаларнинг юзага келиши, кислотали ва шўр ёмғирларнинг ёғиши, энергия танқислигига оид муаммолар республика аҳолиси ҳаётига таҳдид солмоқда.

И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг улкан назариятчи ва айна пайтда йирик аалиётчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон республикаси экологик сиёсатининг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, тамойиллари И.А.Каримовнинг асарлари, нутқлари ва маърузаларида илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Умумбашарий экологик муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари И.А.Каримовнинг қуйидаги асарларида ўз аксини топган:

- “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”,
- “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”,
- “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”,
- “Бунёдкорлик йўлидан”,
- “Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби”,
- “Биз ўз келажагимизни ўз қулимиз билан курашимиз”,
- “Озод ва Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”,
- “Ўзбекистон буюк келажак сари”,
- “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларини чуқурлаштириш йўлида”,
- “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари”,
- “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”,
- “Юксак маънавият – енгилмас куч”,
- “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”...

Бу асарларда иқтисодиёт, сиёсат, маънавият, мафкурага оид муаммоларни ҳал этиш билан бир қаторда

- инсониятнинг тарихий тараққиётида табиатни эъзозлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

Фойдаланилган манбалар:

1. И.А.Каримов асарлари .
2. “Барқарор тараққиёт концепцияси” материаллари
3. Э.О.Турдикулов “Глобал экологик муаммолар ва уларнинг ҳал этиш стратегиялар” Тошкент ЎзПФИТИ 2013 йил.
4. Интернет тармоғи манбалари.